



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MANKAMASINING QARORI

20 22 yil « 19 » aprel

№ 196

Toshkent sh.

### **Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш ҳамда сув истеъмолчилари орасидаги муносабатларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 1 мартдаги ПҚ–145-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда сув ресурсларини самарали бошқариш, уларнинг ҳисоби ва ҳисоботини тўлақонли юритиш, сув истеъмолчилари ўртасидаги сув муносабатларини такомиллаштириш, ушбу жараёнларга хусусий секторни кенг жалб қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш ҳамда сув истеъмолчилари орасидаги муносабатларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 1 мартдаги ПҚ–145-сон қарорида қуйидагилар қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқаришнинг устувор йўналишлари этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни ва аҳоли томорқаларини сув ресурслари билан ишончли таъминлаш;

ирригация тизимлари ва суғориш тармоқларини ҳамда улардаги гидротехника иншоотларини доимий техник соз ҳолатда ушлаб туриш;

йирик қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни ўз худудида сувни бошқариш ва тақсимлаш ишларига жалб қилиш;

иқтисодиёт тармоқларини сув билан таъминлашга оид давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш бўйича давлат-хусусий шериклик тамойилларини кенг жорий этиш;

сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини инсон омилига минимал равишда боғлиқ бўлган автоматлаштирилган тизимлар орқали юритиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари бир ой муддатда туман (Қувасой шаҳар) ирригация бўлимлари (ирригация бўлимлари мавжуд бўлмаган туманларда

сув хўжалигининг бошқа тегишли фойдаланувчи ташкилотлари) таркибида сув истеъмолчиларига сув етказиб бериш, хўжаликлараро суғориш тармоқларидан фойдаланиш, уларни таъмирлаш-тиклаш ва бошқа сув хўжалиги хизматларини кўрсатиш ишларини ташкил қилиш бўйича юридик шахс мақомига эга бўлмаган махсус хизмат (кейинги ўринларда – сув хўжалигининг махсус хизмати) ташкил этилишини таъминласин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) сув хўжалигининг махсус хизмати:

сув истеъмолчиларига сув етказиб бериш ва кўрсатилган сув хўжалиги хизматларидан тушган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади;

сув истеъмолчиларига ажратилган сув олиш лимити доирасида сув етказиб беради, белгиланган тартибда унинг ҳисоби ва ҳисоботини юритади;

туман (Қувасой шаҳар) ирригация бўлимларига (ирригация бўлимлари мавжуд бўлмаган туманларда сув хўжалигининг бошқа тегишли фойдаланувчи ташкилотларига) белгиланган тартибда берилган икки ва ундан ортиқ сув истеъмолчисига хизмат кўрсатувчи хўжаликлараро (фермерлараро ички) суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари, улардаги бош ва ички сув олиш ҳамда бошқа иншоотлардан (насос агрегатлари, суғориш ва кузатув қудуқлари) доимий ва мақсадли фойдаланишни ҳамда таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга оширади;

сув истеъмолчиларининг бош сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлашни ҳамда сувнинг ҳисоби ва ҳисоботи юритилишини рақамлаштиришни ташкил қилади;

сув истеъмолчиларининг буюртманомаси бўйича бошқа сув хўжалиги хизматларини кўрсатади;

б) сув хўжалигининг махсус хизмати томонидан шартнома асосида кўрсатилган хизматлардан тушган маблағлар хўжаликлараро суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари, улардаги бош ва ички сув олиш ҳамда бошқа иншоотлардан доимий ва мақсадли фойдаланиш, таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга оширишга, бош сув олиш жойларини сувни бошқариш, ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлашга, сувнинг ҳисоби ва ҳисоботи юритилишини рақамлаштиришга, техникаларни сақлаш ва ишлатиш, ходимларни, жумладан, мавсумий жалб қилинган ходимларни сақлашга ҳамда уларни моддий рағбатлантиришга йўналтирилади.

4. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг махсус хизмати томонидан сув етказиб бериш ва кўрсатилган бошқа сув хўжалиги хизматлари учун ҳақ тўлаш ҳамда ушбу хизматларни кўрсатишдан тушадиган маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида** низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

сув хўжалиги ташкилотлари томонидан сув истеъмолчиларига сув етказиб бериш бўйича хизматларни шартномага асосан кўрсатиш тартиби;

сув истеъмолчиларига сув етказиб бериш бўйича хизматлар ҳамда бошқа хизматлар учун тўловлар тўлаш тартиби;

сув етказиб бериш ва бошқа сув хўжалиги хизматларини кўрсатишдан тушган маблағлардан фойдаланиш тартиби.

#### 5. Қуйидагилар:

Давлат сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида бошқарувга оладиган кластерлар рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида хусусий сектор бошқарувига бериладиган давлат сув хўжалиги объектларининг туманлар кесимидаги асосий кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига 2-иловага мувофиқ кластерлар, битта сув истеъмолчисига хизмат кўрсатаётган, шунингдек, 3-иловага мувофиқ сув хўжалиги объектлари берилаётган хусусий сектор билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш асосида тендер ўтказмасдан давлат шериги қарорига мувофиқ битим тузишга рухсат берилсин.

7. Давлат сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида хусусий шерикка бериш ҳамда хусусий шерикнинг инвестиция салоҳиятини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби (кейинги ўринларда – ДХШ бўйича ишчи гуруҳ) 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

ДХШ бўйича ишчи гуруҳ 2 ва 3-иловаларга мувофиқ давлат сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш учун хусусий секторни кенг жалб қилишга масъул эканлиги белгилансин ҳамда ушбу сув хўжалиги объектларини 2023 йил 1 апрелга қадар давлат-хусусий шериклик шартлари асосида хусусий секторга беришни ташкил қилсин.

#### 8. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги:

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, “Ўзсувлойиха” АЖ ҳамда Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти билан биргаликда икки ой муддатда фермер хўжаликлари ва бошқа сув истеъмолчиларининг бош сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш бўйича намунавий ишчи чизмаларни ишлаб чиқсин ҳамда жойларга етказсин;

Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги билан биргаликда уч ой муддатда хусусий шерикка берилган объектларда мониторинг юритувчи масъул ходимлар учун давлат-хусусий шериклик шартларининг асосий мезонларини мониторинг қилиш тартиби юзасидан тренинглар (ўқув машғулоти) ташкил этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туманлар ҳокимликлари:

а) уч ой муддатда қуйи бўғиндаги барча суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари ҳамда бошқа сув хўжалиги объектларини хатловдан ўтказсин. Хатлов натижаларига асосан:

**қишлоқ хўжалиги ер участкалари мавжуд бўлган кластерларга** – уларга тегишли майдонлардаги барча хўжаликлараро ва ички суғориш ҳамда коллектор-дренаж тармоқлари, улардаги бош ва ички сув олиш ҳамда бошқа сув хўжалиги объектларини ички сув хўжалиги хизматини ташкил қилиш, улардан мақсадли фойдаланиш, таъмирлаш-тиклаш ва реконструкция қилиш учун;

**сув истеъмолчиларига** – уларга бевосита хизмат кўрсатувчи ички суғориш ҳамда коллектор-дренаж тармоқлари, улардаги бош ва ички сув олиш ҳамда бошқа сув хўжалиги объектларини улардан мақсадли фойдаланиш, шунингдек, таъмирлаш-тиклаш учун далолатномалар асосида хўжаликларга берилишини ташкил қилсин;

б) кластерлар, фермер хўжаликлари ва бошқа сув истеъмолчиларининг бош сув олиш жойларини намунавий ишчи чизмалар асосида сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситаларини ихтисослашган ташкилотлар томонидан ишлаб чиқиш ва қуриш, уларни фойдаланишга қабул қилиш, сувни ҳисоби ва ҳисоботини юритиш ҳамда молиялаштириш тартиби юзасидан ҳар бир вилоятда жадвал бўйича кўргазмали амалий семинарлар ўтказсин;

в) маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан кластерлар, фермер хўжаликлари ва бошқа сув истеъмолчиларининг бош сув олиш жойларида сувни ҳисобга олиш ва ҳисоботини юритишни рақамли технологиялар асосида амалга ошириш бўйича 2022–2023 йилларда намунавий участкаларни ташкил қилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси, Сув хўжалиги вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

сув хўжалиги объектларини бошқарувига оладиган субъектларга нисбатан татбиқ этиладиган солиқ имтиёзлари юзасидан таклифларни;

сув истеъмолчилари томонидан шартнома асосида сув хўжалигининг махсус хизматига тўланиши лозим бўлган маблағларни сувдан фойдаланганлик учун солиқ ҳисобидан қоплаш ва уни жорий қилиш механизмларини ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ўн кун муддатда сув хўжалигининг махсус хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш учун Сув хўжалиги вазирлигининг марказий аппаратида вазирлик тизимидаги республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар бошқарув ходимлари сонини мақбуллаштириш ҳисобига 4 та штат бирлигидан иборат бўлим, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларида махсус хизматларга тушадиган маблағлар ҳисобига молиялаштириладиган 2 та штат бирлигидан иборат бўлим ташкил этсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 19 апрелдаги 196 -сон қарорига  
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг махсус хизмати  
томонидан сув етказиб бериш ва кўрсатилган бошқа сув хўжалиги  
хизматлари учун ҳақ тўлаш ҳамда ушбу хизматларни кўрсатишдан  
тушадиган маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг (кейинги ўринларда – Вазирлик) махсус хизмати томонидан сув етказиб бериш ва кўрсатилган бошқа сув хўжалиги хизматлари учун ҳақ тўлаш ҳамда ушбу хизматларни кўрсатишдан тушадиган маблағлардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом талаблари гидроэнергетика соҳасидаги ташкилотларга ҳамда аҳоли истеъмоли учун ичимлик сув, иссиқ сув ва иссиқлик энергиясини етказиб берувчи коммунал соҳа ташкилотларига, шунингдек, саноат корхоналарига техник сув етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизматларга нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**сув истеъмолчиси** – ўз эҳтиёжларини қондириш учун сув объектидан ёки сув хўжалиги объектидан сув ресурсларини белгиланган тартибда олувчи жисмоний ёки юридик шахс;

**сув хўжалигининг фойдаланувчи ташкилотлари** – сув хўжалиги объектларидан фойдаланувчи туманлар (Қувасой шаҳар) ирригация бўлимлари, ирригация тизими бошқармалари, магистрал каналлар (тизимлар) бошқармалари, насос станциялари ва энергетика бошқармалари, мелиоратив экспедициялар, сув омборларидан ва йирик гидротехника иншоотларидан фойдаланиш бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари);

**сув хўжалигининг махсус хизмати** – сув хўжалигининг фойдаланувчи ташкилотлари таркибида юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳолда фаолият юритадиган ҳамда сув хўжалиги ташкилотлари ва сув истеъмолчилари ўртасида тузилган шартнома асосида сув етказиб бериш ва бошқа сув хўжалиги хизматлари кўрсатиш учун ташкил этилган хизмат.

4. Сув хўжалигининг фойдаланувчи ташкилотлари томонидан сув истеъмолчиларига сув етказиб бериш бўйича хизматлар улар ўртасида тузиладиган шартномага мувофиқ тўловлар асосида кўрсатилади.

## **2-боб. Сув етказиб бериш харажатларини аниқлаш тартиби**

5. Сув хўжалигининг махсус хизмати томонидан сув истеъмолчиларига сув етказиб бериш ва бошқа сув хўжалиги хизматлари (кейинги ўринларда – сув хўжалиги хизматлари) учун тўлов миқдори:

сувни сув истеъмолчисига етказиб бериш харажатлари сув хўжалигининг махсус хизматини сақлаш (ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш, транспорт воситаларини харид қилиш, улардан фойдаланиш, коммунал тўловлар ва бошқа харажатлар);

хўжаликлараро суғориш тармоқлари ва бошқа сув хўжалиги объектларини (икки ва ундан ортиқ сув истеъмолчисига хизмат кўрсатувчи суғориш тармоқлари, улардаги гидротехника иншоотлари, насос агрегатлари, суғориш қудуқлари) ишончли бошқариш, уларни таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш;

сув истеъмолчисининг буюртманомасига асосан унинг бош сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш, сув мониторинги, ҳисоби ва ҳисоботи юритишни рақамлаштириш, шунингдек, кўрсатилган бошқа сув хўжалиги хизматлари учун харажатлардан иборат.

6. Сув хўжалигининг махсус хизмати келгуси йил учун сув истеъмолчиларига кўрсатиладиган сув хўжалиги хизматлари ва уларнинг харажатлари бўйича ҳар календарь йилнинг 10 декабрига қадар харажатлар сметасини ишлаб чиқади.

Сув истеъмолчиси томонидан тўланадиган йиллик тўловлар миқдори харажатлар сметасига асосан сув истеъмолчисининг суғориладиган ер майдони (экиладиган экин тури, уларни суғориш режими ва бошқа кўрсаткичлардан келиб чиқиб) ёки етказиб бериладиган ҳар бир куб метр сув ҳажми учун ойлар кесимида белгиланади.

Сув истеъмолчисига сув етказиб бериш, шунингдек, хўжаликлараро суғориш ва бошқа иншоотларни ишончли бошқариш, уларни таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш харажатлари ҳар календарь йилнинг 20 декабрига қадар сув истеъмолчиларининг умумий йиғилиш қарори билан тасдиқланади ҳамда 25 декабрга қадар уларга етказилади.

Сув истеъмолчисининг буюртманомасига асосан кўрсатиладиган бошқа сув хўжалиги хизматлари учун алоҳида шартнома расмийлаштирилади.

7. Сув истеъмолчилари томонидан тўловларни олинган сув ҳажми бўйича белгилашда бир куб метр сув етказиш тарифи қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$X_t = T_c / W$$

$T_c$  – сув хўжалигининг махсус хизмати томонидан унинг хизмат кўрсатиш ҳудудидаги сув истеъмолчиларига сув етказиб бериш ҳамда

хўжаликлараро суғориш ва бошқа сув хўжалиги объектларини ишончли бошқариш, уларни таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш бўйича йиллик ҳисобий харажатлар миқдори (сўмда);

W – сув хўжалигининг махсус хизмати томонидан унинг хизмат кўрсатиш ҳудудидаги сув истеъмолчиларига ажратиладиган кўп йиллик ўртача ҳисобий сув олиш лимити (куб метрда).

### **3-боб. Сув етказиб бериш ва кўрсатилган бошқа хизматлар учун ҳақ тўлаш тартиби**

8. Сув хўжалигининг махсус хизмати билан сув истеъмолчиси ўртасида белгиланган тартибда сувнинг кундалик ҳисоб журнали юритилади ҳамда ҳар ой якуни билан кейинги ойнинг 5 санасигача етказиб берилган сувнинг ҳажми ҳамда кўрсатилган сув хўжалиги хизматлари тўғрисида далолатнома расмийлаштирилади.

9. Сув истеъмолчилари расмийлаштирилган далолатномага асосан ўтган ой давомида олинган сув ҳажмидан, шунингдек, кўрсатилган бошқа хизматлар ҳажмидан келиб чиқиб ҳисобланган тўловларни кейинги ойнинг 10 санасига қадар сув хўжалигининг махсус хизматининг шахсий ҳисобварағига ўтказиб беради.

Бунинг учун сув хўжалиги ташкилотларида сув хўжалигининг махсус хизмати учун Молия вазирлиги Ғазначилигида унинг махсус шахсий ҳисобварақ очилади.

Сув истеъмолчисининг буюртманомаси бўйича тузилган шартнома асосида кўрсатилган сув хўжалиги хизматлари учун тўловлар шартнома шартларига биноан амалга оширилади.

### **4-боб. Сув етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизматлардан тушадиган маблағлардан фойдаланиш тартиби**

10. Сув етказиб бериш ва кўрсатилган бошқа сув хўжалиги хизматлардан махсус шахсий ҳисобварақларда жамланган маблағлар сув хўжалигининг махсус хизмати томонидан қуйидаги мақсадлар учун сарфланади:

сув хўжалигининг махсус хизматини сақлашга (ходимларга, жумладан амалдаги меъёрлар доирасида жалб этилган мавсумий ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш, ходимларни белгиланган тартибда ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш, коммунал тўловлар ва бошқа харажатлар);

транспорт воситаларини (велосипед, мотоцикл, мопед ва бошқалар) харид қилиш, улардан фойдаланишга;

хўжаликлараро суғориш ва бошқа сув хўжалиги объектларини ишончли бошқариш, уларни таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга оширишга;

сув хўжалиги ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун мелиоратив техникалари харид қилиш ва улардан фойдаланишга, шу жумладан лизинг тўловларини амалга оширишга;

механик қурилмаларга эга сув хўжалиги иншоотларида электр энергияси харажатларини қоплашга;

сув истеъмолчиларининг буюртманомасига асосан тузилган шартномалар бўйича уларнинг бош сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш, сув мониторинги, ҳисоби ва ҳисоботи юритишни рақамлаштириш, шунингдек, бошқа сув хўжалиги хизматларига.

#### **5-боб. Яқунловчи қоида**

11. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил "19" апрелдаги 196 -сон қарорига  
2-илова

**Давлат сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида бошқарувга оладиган кластерлар  
РЎЙХАТИ**

| Т/р                    | Туманлар номи | Кластерлар номи                        | Кластер хисобидаги ер майдони, га | кластерлар бошқарувига ўтказиладиган сув хўжалиги объектлари |              |              |              |                            |                            |
|------------------------|---------------|----------------------------------------|-----------------------------------|--------------------------------------------------------------|--------------|--------------|--------------|----------------------------|----------------------------|
|                        |               |                                        |                                   | каналлар                                                     |              | коллекторлар |              | насос станциялари сони, та | суғориш қудуқлари сони, та |
|                        |               |                                        |                                   | сони, та                                                     | узунлиги, км | сони, та     | узунлиги, км |                            |                            |
| Жами республика бўйича |               |                                        | 290 311                           | 194                                                          | 1 641        | 1 007        | 3 402        | 104                        | 229                        |
| Андижон вилояти        |               |                                        |                                   |                                                              |              |              |              |                            |                            |
| 1                      | Жалақудуқ     | “Ishonch zamin klaster” МСН            | 902                               |                                                              |              | 1            | 2,0          |                            |                            |
| 2                      | Марҳамат      | “Марҳамат текстил агро” МЧЖ            | 2 533                             | 1                                                            | 3,5          |              |              |                            |                            |
| 3                      | Улугнор       | “Бунёдкор магистрал” МЧЖ               | 2 168                             |                                                              |              | 1            | 2,8          |                            |                            |
| Жами                   |               |                                        | 5 603                             | 1                                                            | 3,5          | 2,0          | 4,8          |                            |                            |
| Бухоро вилояти         |               |                                        |                                   |                                                              |              |              |              |                            |                            |
| 4                      | Пешку         | “Buxoro Agro cluster” МЧЖ              | 8 657                             | 10                                                           | 139,3        | 77           | 234,4        | 3                          | 24                         |
| Жами                   |               |                                        | 8 657                             | 10                                                           | 139,3        | 77           | 234,4        | 3                          | 24                         |
| Қашқадарё вилояти      |               |                                        |                                   |                                                              |              |              |              |                            |                            |
| 5                      | Гузор         | “Китоб ип йигирув” АЖ                  | 576                               | 5                                                            | 44,1         |              |              |                            | 6                          |
| 6                      |               | “Canadian Soy Integrated Pro” МЧЖ      | 2 151                             | 1                                                            | 2,0          |              |              |                            |                            |
| 7                      | Қарши         | “Қарши Агрокластер” МЧЖ                | 423                               | 1                                                            | 6,2          |              |              |                            |                            |
| 8                      |               | “Қарши Хилал кластер” МЧЖ              | 93                                | 1                                                            | 16,4         |              |              |                            |                            |
| 9                      | Касби         | “Индорама агро” МЧЖ                    | 12 014                            | 2                                                            | 16,6         | 15           | 50           |                            |                            |
| 10                     | Миришкор      | “Mirishkor textiles group kluster” МЧЖ | 3 125                             | 2                                                            | 23,9         |              |              |                            |                            |
| 11                     | Нишон         | “Индорама агро” МЧЖ                    | 252                               | 4                                                            | 24,8         | 227          | 163          |                            |                            |
| 12                     | Чироқчи       | “Чироқчи ғалла кластер” МЧЖ            | 305                               | 1                                                            | 18,6         |              |              |                            | 1                          |
| 13                     | Шахрисабз     | “Оқсарой кластер” МЧЖ                  | 1 262                             | 8                                                            | 64,4         |              |              |                            | 13                         |

| Т/р                       | Туманлар номи | Кластерлар номи                 | Кластер ҳисобидаги ер майдони, га | кластерлар бошқарувиға ўтказиладиган сув ҳўжалиги объектлари |              |              |              |                            |                            |
|---------------------------|---------------|---------------------------------|-----------------------------------|--------------------------------------------------------------|--------------|--------------|--------------|----------------------------|----------------------------|
|                           |               |                                 |                                   | каналлар                                                     |              | коллекторлар |              | насос станциялари сони, та | суғориш қудуқлари сони, та |
|                           |               |                                 |                                   | сони, та                                                     | узунлиги, км | сони, та     | узунлиги, км |                            |                            |
| 14                        | Яккабоғ       | “Yakkabog‘ Boshoglari Agro” МЧЖ | 78                                | 4                                                            | 75,2         |              |              | 1                          |                            |
| <b>Жами</b>               |               |                                 | <b>20 279</b>                     | <b>29</b>                                                    | <b>292,2</b> | <b>242</b>   | <b>212,6</b> | <b>1</b>                   |                            |
| <b>Наманган вилояти</b>   |               |                                 |                                   |                                                              |              |              |              |                            |                            |
| 15                        | Мингбулок     | “Art Soft Holding” МЧЖ          | 4098                              |                                                              |              | 16           | 18,2         |                            |                            |
| 16                        | Поп           | “Art Soft Holding” МЧЖ          | 23579                             | 25                                                           | 144          | 17           | 104,5        | 25                         |                            |
| 17                        | Тўрақўрғон    | “Наманган Тўқимачи” МЧЖ         | 705                               |                                                              |              | 1            | 1,2          |                            |                            |
| 18                        | Чуст          | “Наманган Тўқимачи” МЧЖ         | 1271                              |                                                              |              | 5            | 11,5         |                            |                            |
| <b>Жами</b>               |               |                                 | <b>29 653</b>                     | <b>25</b>                                                    | <b>144,0</b> | <b>39</b>    | <b>135,4</b> | <b>25</b>                  |                            |
| <b>Самарқанд вилояти</b>  |               |                                 |                                   |                                                              |              |              |              |                            |                            |
| 19                        | Булунғур      | “Самарқанд Гарден Пласт” МЧЖ    | 1 314                             |                                                              |              | 1            | 0,3          |                            |                            |
| 20                        | Иштихон       | “Мароканд Сифат Текстил” МЧЖ    | 2 438                             |                                                              |              | 25           | 14,9         |                            | 5                          |
| 21                        | Каттакўрғон   | “Амина голд инвест” МЧЖ         | 6 367                             | 2                                                            | 3,2          | 1            | 5,0          |                            | 1                          |
| 22                        |               | “Аминаголд кластер” МЧЖ         | 4 338                             |                                                              |              | 4            | 15,0         | 2                          |                            |
| 23                        |               | “Файз баширбек юксалиш” МЧЖ     | 100                               |                                                              |              | 2            | 5,0          |                            |                            |
| 24                        | Оқдарё        | “Prestij don” МЧЖ               | 3 500                             |                                                              |              |              |              |                            | 1                          |
| 25                        | Пахтачи       | “Пахтачи кластер” МЧЖ           |                                   |                                                              |              | 15           | 20,0         |                            |                            |
| 26                        | Пайариқ       | “Samarqand Cotton klaster” МЧЖ  |                                   |                                                              |              | 21           | 38,0         |                            |                            |
| 27                        | Пастдарғом    | “Самарқанд камалак текстил” МЧЖ | 2 463                             |                                                              |              | 40           | 70,0         |                            |                            |
| 28                        | Тойлок        | “Боғизагон” МЧЖ                 | 3 260                             |                                                              |              | 5            | 2,0          |                            |                            |
| <b>Жами</b>               |               |                                 | <b>23 780</b>                     | <b>2</b>                                                     | <b>3</b>     | <b>114</b>   | <b>170,2</b> | <b>2</b>                   | <b>7</b>                   |
| <b>Сурхондарё вилояти</b> |               |                                 |                                   |                                                              |              |              |              |                            |                            |
| 29                        | Ангор         | “Замин Ангор кластер” МЧЖ       | 9 213                             | 6                                                            | 58,8         | 16           | 107,7        |                            |                            |
| 30                        | Бандихон      | “Бандихон текстил кластер” МЧЖ  | 354                               |                                                              |              |              |              | 1                          |                            |
| 31                        | Жарқўрғон     | “Термиз Жайхун кластер” МЧЖ     | 6 480                             | 2                                                            | 13,0         | 2            | 13,9         |                            |                            |
| 32                        | Қизириқ       | “Сурхон Коттон текстил” МЧЖ     | 22 402                            | 2                                                            | 53,4         | 13           | 125,0        | 4                          |                            |
| 33                        | Қумқўрғон     | “Термиз Жайхун кластер” МЧЖ     | 494                               | 1                                                            | 10,0         |              |              |                            |                            |

| Т/р                    | Туманлар номи | Кластерлар номи               | Кластер ҳисобидаги ер майдони, га | кластерлар бошқарувиға ўтказиладиган сув ҳўжалиги объектлари |              |              |              |                            |                            |
|------------------------|---------------|-------------------------------|-----------------------------------|--------------------------------------------------------------|--------------|--------------|--------------|----------------------------|----------------------------|
|                        |               |                               |                                   | каналлар                                                     |              | коллекторлар |              | насос станциялари сони, та | суғориш кудуклари сони, та |
|                        |               |                               |                                   | сони, та                                                     | узушлиги, км | сони, та     | узушлиги, км |                            |                            |
| 34                     |               | “Бек агро кластер” МЧЖ        | 372                               | 1                                                            | 18,0         |              |              |                            |                            |
| 35                     |               | “Музработ РЕС” МЧЖ            | 365                               | 2                                                            | 34,0         |              |              | 4                          |                            |
| 36                     | Музработ      | “Музработ Инденим” МЧЖ        | 8 700                             |                                                              |              | 17           | 164,8        |                            |                            |
| 37                     |               | “Сурхон Бошқоқли дон” МЧЖ     | 11 200                            |                                                              |              |              |              | 3                          |                            |
| 38                     | Олтинсой      | “Денов текстил кластер” МЧЖ   | 84                                |                                                              |              | 7            | 65,9         |                            |                            |
| 39                     | Термиз        | “Термиз Кластер” Агрофирмаси  | 473                               |                                                              |              | 1            | 2,0          |                            |                            |
| 40                     |               | “Сурхондарё Агрохизмат” МЧЖ   | 329                               |                                                              |              | 4            | 38,7         |                            |                            |
| 41                     | Шеробод       | “Баракали Дунё-М экспорт” МЧЖ | 226                               |                                                              |              | 9            | 41,0         |                            |                            |
| 42                     |               | “Сурхон-Шеробод кластер” МЧЖ  | 55                                |                                                              |              | 4            | 26,8         |                            |                            |
| 43                     | Шўрчи         | “Шўрчи инденим кластер” МЧЖ   | 586                               |                                                              |              | 1            | 14,0         | 5                          |                            |
| <b>Жами</b>            |               |                               | <b>61 332</b>                     | <b>14</b>                                                    | <b>187,2</b> | <b>74</b>    | <b>599,8</b> | <b>17</b>                  |                            |
| <b>Сирдарё вилояти</b> |               |                               |                                   |                                                              |              |              |              |                            |                            |
| 44                     | Мирзаобод     | “Bek Cluster” МЧЖ             | 11 148                            |                                                              |              | 73           | 397,6        | 1                          |                            |
| 45                     | Оқолтин       | “Apk Okoltin” УК              | 4 077                             |                                                              |              | 8            | 85,0         |                            |                            |
| 46                     |               | “Indorama Agro” МЧЖ           | 11 558                            |                                                              |              | 7            | 62,9         |                            |                            |
| 47                     | Сардоба       | “Indorama Agro” МЧЖ           | 12 600                            |                                                              |              | 11           | 92,7         | 1                          |                            |
| 48                     |               | Sardoba universal claster МЧЖ | 800                               |                                                              |              | 2            | 8,4          |                            |                            |
| 49                     | Сирдарё       | “Тулистон агро груп” МЧЖ      | 240                               |                                                              |              | 2            | 6,0          | 1                          |                            |
| <b>Жами</b>            |               |                               | <b>40 423</b>                     |                                                              |              | <b>103</b>   | <b>652,6</b> | <b>3</b>                   |                            |
| <b>Тошкент вилояти</b> |               |                               |                                   |                                                              |              |              |              |                            |                            |
| 50                     | Бекобод       | “АРК Бекобод” МЧЖ             | 6 306                             | 6                                                            | 108,0        | 13           | 170,0        | 14                         |                            |
| 51                     | Бўка          | “АРК Бўка” МЧЖ                | 4 500                             | 3                                                            | 56,0         | 7            | 35,1         | 3                          |                            |
| 52                     | Чиноз         | “АРК Чиноз” МЧЖ               | 4 250                             | 4                                                            | 58,2         | 6            | 112,0        | 5                          |                            |
| 53                     |               | “Чиноз Олтиндон” МЧЖ          | 5 800                             | 20                                                           | 73,0         | 16           | 116,0        |                            |                            |
| 54                     | Қуйичирчиқ    | “ТСТ Agro cluster” МЧЖ        | 40 071                            | 23                                                           | 160,8        | 39           | 234,0        |                            |                            |

| Т/р                    | Туманлар номи | Кластерлар номи                  | Кластер ҳисобидаги ер майдони, га | кластерлар бошқарувиға ўтказиладиган сув хўжалиги объектлари |              |              |              |                            |                            |
|------------------------|---------------|----------------------------------|-----------------------------------|--------------------------------------------------------------|--------------|--------------|--------------|----------------------------|----------------------------|
|                        |               |                                  |                                   | каналлар                                                     |              | коллекторлар |              | насос станциялари сони, та | суғориш қудуқлари сони, та |
|                        |               |                                  |                                   | сон, та                                                      | узунлиги, км | сон, та      | узунлиги, км |                            |                            |
| 55                     | Оққўрғон      | “ABC Oqqorgon Agro Classter” МЧЖ | 9 241                             | 11                                                           | 42,0         | 9            | 55,0         |                            |                            |
| 56                     | Ўртачирчиқ    | “Real Agro Cotton” МЧЖ           | 1 514                             | 5                                                            | 43,3         | 3            | 25,0         | 1                          |                            |
